

“Агробанк” ОАТБ Бошқаруви  
йиғилишининг  
2012 йил 27-январдаги  
7/5-сонли қарори билан

**«МАЪҚУЛЛАНГАН»**

“Агробанк” ОАТБ Кенгаши  
йиғилишининг  
2012 йил 6-февралдаги  
4/2-сонли қарори билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг  
**ФОИЗ СИЁСАТИ**

**Тошкент-2012**

## **1. Умумий асос**

1.Банкнинг фоиз сиёсати (кейинги барча ўринларда “Сиёсат”) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Адлия вазирлигида 2000 йил 5-июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”, 2004 йил 30-январда 1306-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида фоиз ҳисоблаш тўғрисида” ҳамда 2004 йил 24-январда 1304-сон билан рўйхатдан ўтган “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги Низомлар шунингдек Марказий банкнинг меъерий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъерий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **2. Умумий қоидалар**

2.Мазкур Сиёсат банк томонидан жойлаштирилаётган ва жалб қилинаётган маблағлар учун фоизларни белгилаш масалаларини мувофиқлаштиради.

3.Фоиз сиёсати – пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ банк операцияларини амалга оширишда фоиз ставкаларни белгилашни мувофиқлаштирувчи тадбирларнинг йиғиндисидир.

4.Кредит фоизи – кредит суммасидан фойдаланганлик учун қарз олувчи томонидан банкка тўланадиган ҳақдир. Кредит фоизи кредитнинг тури, муддати, миқдори, кредит ресурсининг қиймати ва кредит таваккалчилиги даражасидан келиб чиқиб ўрнатилган тартибда белгиланади.

5.Маржа – кредитлар ва соф тўловли мажбуриятлар фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдир. Халқаро стандартларга асосан маржа 3 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши тавсия қилинади.

6.Фоиз ставкаларни табақалаш – фоиз ставкаларни жалб қилинаётган ва жойлаштирилаётган маблағларнинг миқдори, муддати, мақсади, таъминланганлик даражаси, тармоқ йўналиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгилашдир.

## **3. Сиёсатнинг мақсади**

7.Сиёсатнинг асосий мақсади - маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш жараёнидаги ёндашувлар ва бошқариш механизмларининг умумийлигини таъминлаш орқали банк фаолиятининг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

8.Фоиз сиёсатини самарали бошқариш қуйидагиларни кўзда тутати:

а)банк акциядорлари ва омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш;

б)банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали унинг ликвидлилик даражасини таъминлаш;

в)мақбул даражада фойда олишни таъминлаш орқали маржани ўрнатиш;

г)вакиллик ҳисобварағидаги мабалағлардан самарали фойдаланиш учун фоиз ставкаларни бошқариш орқали банк даромадлари таркибидаги фоизли даромадлар салмоғини ошириш.

#### **4. Фоиз ставкаларни белгилашдаги ёндашув**

9.Банкнинг фоиз сиёсати Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 28-моддасига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

#### **5. Ресурсларни жалб қилиш жараёнидаги Сиёсатнинг асосий йўналишлари**

10.Банк ўз фаолиятини амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилади. Хусусан актив операцияларни амалга ошириш учун ресурслар банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топади.

11.Банкнинг ресурсларни жалб қилиш соҳасидаги Сиёсати куйидагиларга асосланган ҳолда белгиланади:

а)Марказий банк томонидан мажбурий заҳираларга депонентланадиган маблағлар бўйича белгиланган ставкалар;

б)маъмурий бошқарув харажатларни қоплаш даражаси;

в)жалб қилинаётган маблағларнинг муддати, миқдори ҳамда фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби;

г)жалб қилинган маблағларни мақсадли йўналтириш даражаси.

12.Банк томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар бўйича фоиз ставкалар банкнинг мазкур Сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

13.Юридик ва жисмоний шахслардан муддатли депозитларга жалб қилинадиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларни белгилаш маҳаллий молия бозоридаги конъюнктура ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўзгариш динамикасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Бунда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари бўйича фоиз ставкалар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда банк Бошқаруви томонидан ўрнатилади.

Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалар маблағларнинг миқдори ва муддатидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўрнатилади.

14.Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида чора-

тадбирлари ҳамда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга оширилиши билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун олинган мақсадли кредит ресурслар, шунингдек хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан эркин айирбошланадиган валютада олинган кредит ресурслар, бюджетдан ташқари жамғармалардан жалб қилинган кредит ресурслар бўйича фоиз ставкалар икки томонлама тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб белгиланади.

15.Банкларо бозордан жалб қилинадиган ресурсларнинг фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражаси, банкнинг ресурслари базаси, муддати, миқдори ҳамда UzIBOR ва UzIBID банкларо бозор ставкаларидан келиб чиқиб, томонлар келишувига асосан белгиланади.

## **6. Ресурсларни жойлаштириш жараёнидаги Сиёсатнинг асосий йўналишлари**

16.Банк ресурсларининг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлигининг таъминланиши банкнинг актив операциялар бўйича фоиз ставкаларни бошқариш механизмига боғлиқ. Бунда актив операциялар бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкалар кредит ресурсларининг қиймати ҳамда мақбул даражада фойда олиш учун етарли бўлган фоиз маржасининг йиғиндисидан иборат бўлади.

17.Ресурсларни жойлаштириш жараёнидаги фоиз сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

а)ресурснинг қиймати, ресурсларни жойлаштириш йўналишлари ва муддатлари;

б)лойиҳанинг тармоқ хусусиятлари, таваккалчилик ва таъминланганлик тамойили;

б)амалга ошириладиган операциялар рентабеллигини таъминлаш тамойили;

в)ликвидлилик даражасини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш тамойили;

г)молиялаштириладиган лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга мойиллик тамойили.

18.Қимматли қоғозлар бўйича актив операциялар мазкур сиёсат талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда банкнинг Инвестиция сиёсати мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади.

19.Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида чора-тадбирлари ҳамда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга оширилиши билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун бериладиган мақсадли кредитлар бўйича фоиз ставкалар ўрнатилган тартибга асосан белгиланади.

Ҳукумат қарорлари ҳамда Марказий банк ва банкнинг кредит сиёсати ва кредитлаш юзасидан бошқа меъёрий ҳужжатларида кредитлар учун фоиз ставкалар миқдори қайд этилган ҳолатда, ушбу кредитлар бўйича ҳақ тўлаш

миқдори тегишли параметрлар асосида ўрнатилган тартибда белгиланади.

20.Банклараро муддатли депозитларнинг фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкаси, муддати, миқдори ҳамда UzIBOR ва UzIBID ставкаларидан, шунингдек банк активларини диверсификациялаш, даромадлилигини таъминлаш, ликвидли активларни ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, томонлар келишувига асосан белгиланади.

21.Хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан эркин айирбошланадиган валютада ва эркин айирбошланадиган валюталар ҳисобидан миллий валютада ажратиладиган кредитлар фоиз ставкалари тузилган икки томонлама шартномаларда жалб қилинган ресурсга ўрнатилган фоиз ставкаларни (LIBOR, EURLIBOR, UZIBOR ва бошқалар) ҳамда банк маржасини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

22.Тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалар банкнинг кредит сиёсати, ресурсларининг таркибий тузилиши, кредит ресурсларининг қиймати ва фоиз маржаси ҳисоб-китоби асосида амалдаги тартибга асосан ўрнатилади.

Бунда банкнинг жалб қилинган ресурсларининг ўртача қиймати ҳисобот санасига ресурсларнинг ўртача қолдиғи ва харажатларнинг ҳақиқатда балансда акс эттирилган қолдиқлари асосида тегишли дастур таъминотига асосан ҳисоб-китоб қилинади.

23.Банкнинг Кредит қўмитаси ва комиссиялари ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларни мазкур Сиёсат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

24.Банк Бошқаруви фоиз таваккалчилигини самарали бошқариш мақсадида тармоқ хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий омиллардан келиб чиқиб кредитлаш йўналишлари бўйича фоиз ставкаларни ўрнатилган тартибда белгилаши мумкин. Шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгаши ўз ваколати доирасида кредитлар бўйича фоиз ставкаларни белгилайди.

25.Банкнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда филиалларига тақдим этилаётган кредит ресурслар бўйича фоиз ставкалар молия бозоридан жалб қилинган маблағлар қийматидан келиб чиқиб, банкнинг Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси томонидан банк Бошқарувини хабардор қилган ҳолда ўрнатилган тартибда белгиланади.

## **7. Фоизларни ҳисоблаш, уларни ўстирмаслик ҳамда ўзгартириш тартиби**

26.Фоизлар Адлия Вазирлигида 2004 йил 30-январда 1306-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тартиби”га мувофиқ 365 кун йиллик даврдан келиб чиқиб, кунлик асосда ҳисобланади.

27.Фоизларни ўстирмаслик сиёсати Адлия вазирлигида 2004 йил 24-январда 1304-сон билан рўйхатдан ўтган “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

28.Фоиз таваккалчилигини самарали бошқариш мақсадида узок муддатга тақдим этиладиган кредит қўйилмаларнинг фоиз ставкаларини ўзгартириш шартларини кўзда тутиш мумкин. Фоиз ставкасини қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлувчи омиллар банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномада акс эттирилиши лозим.

29.Фоиз ставкаларни ўзгартиришга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ёки маҳаллий молия бозори ставкаларининг ўзгариши, кредит портфелига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ банк харажатларини ошиши ва бошқа сабаблар асос бўлиши мумкин.

30.Кредит шартномаларида томонлар келишуви асосида таваккалчилик даражаси билан боғлиқ равишда фоиз ставкасининг ўзгариши эҳтимоли ҳам кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Таваккалчилик даражасининг ўзгаришига мижознинг молиявий ҳолатининг ёмонлашуви, пул оқимларининг бузилиши, кредитланаётган тармоқ ва ҳудуд билан боғлиқ кўшимча таваккалчиликларнинг вужудга келиши сабаб бўлиши мумкин.

31.Мижознинг банк олдидаги қарздорлиги тасдиқланган жадвал асосида сўндирилиши таъминланмаган ҳолатда кредит бўйича фоиз ставкасини оширилиши ёки қарз олувчи ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасининг муддатидан аввал бекор қилиниш шартлари мазкур шартномада қайд этилиши лозим.

32.Берилган кредитлар фоиз ставкаларини ўзгартириш банк Кредит қўмитасининг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Бунда кредитларнинг фоиз ставкалари Кредит қўмитасининг тегишли қарорларидан келиб чиқиб ўрнатилган тартибда қайта расмийлаштирилади.

33.Банк филиали билан қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда ёки қарздорликни банк фойдасига ундириш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати мавжуд бўлганда кредит шартномаси бўйича фоизларнинг ҳисобланиши тўхтатилиши лозим.

Бунда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ёки қарздорликни суд тартибида ундириш талаб қилинганда банк филиаллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига асосан қарз олувчидан банкнинг пул маблағларини қайтаришдан бош тортиш ва уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктирганлик учун судда ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланишини ҳам талаб қилиши лозим. Фоизлар миқдори қарз олувчи яшайдиган ёки жойлашган жойда пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади.

34.Суд ҳужжатида асосан қарз олувчидан барча қарздорликлар, шу жумладан кредит, унга ҳисобланган фоизлар, жарима ва пенялар банк фойдасига ундирилиши белгилангач, ушбу қарздорликларни ҳисоби тегишли баланс ва балансдан ташқари ҳисоб рақамларда юритилиб, фоизлар ҳисобланиши тўхтатилади. Бунда кредит шартномаси муддатидан олдин

бекор қилингандан ёки қарздорликни банк фойдасига ундириш тўғрисида суд хужжати қонуний кучга киргандан кейин ҳисобланган фоизлар тузатиш киритиш орқали қайта ҳисоб-китоб қилинади.

## **8. Сиёсат ҳамда ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича белгиланадиган фоиз ставкаларнинг назорати**

35.Бозор фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлигини банкнинг молиявий ҳолати ва пул маблағлари оқимига таъсирини баҳолаш мақсадида банк фоиз таваккалчилигининг таҳлили мунтазам равишда амалга оширилади.

Бунда, маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш ставкаларини бошқариш банкнинг ҳудудлар қирқимидаги молиявий ҳолатининг таҳлили ҳамда бизнес-режанинг даромадлар бўйича белгиланган параметрлари бажарилиши орқали амалга оширилади.

36.Банк томонидан амалга оширилаётган фоиз сиёсати ва алоҳида фоиз ставкалари бўйича назорат банкнинг амалдаги умумий назорат тизими доирасида амалга оширилади. Бунда назорат олиб боровчи таркибий тузилмаларга Кредит, Банк таваккалчилиги назорати ҳамда Актив ва пасивларни бошқариш қўмиталари ҳамда Ғазначилик, Иқтисодий таҳлил, Ички аудит ҳамда Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаментлари ҳамда Ички назорат бўйича тегишли тармоқ тузилмалари киради.

37.Иқтисодий таҳлил департаменти ва тегишли кредитлаш таркибий тузилмалари банкнинг кредит сиёсати ҳамда мазкур Сиёсатга асосан кредитларни ажратиш юзасидан қарорларни қабул қилиш, банк кредит портфелини шакллантириш ва мониторинги ҳамда кредит бўйича юзага келадиган таваккалчиликларни бошқариш, таҳлил қилиш, тегишли ҳисобот ва маълумотлар тайёрлаш жараёнида ўзининг назорат функциясини амалга оширади.

38.Ғазначилик департаменти “Жалб қилинган ресурслар бўйича ўртача фоиз ставкаси ҳисоб-китоби” юзасидан дастурий таъминот асосида ҳамда фаолият йўналишидан келиб чиқиб ўзининг назорат функциясини олиб боради.

Хусусан банк балансининг ҳақиқатдаги ҳисобот маълумотларига асосан банкнинг фоизли даромадлари ва фоизли харажатлари асосида жалб қилинган ҳамда жойлаштирилган ресурслар бўйича ўртача фоиз ставкаси ҳисоб-китобини банкнинг ички тармоғи учун мўлжалланган сайтда жойлаштиради.

Мақбул қийматлардаги ресурсларни банк айланмасига жалб қилиш юзасидан тегишли чораларни ўрнатилган тартибда кўриб боради.

Банк бўйича ёки алоҳида ҳудудий бошқармалар (филиал) томонидан ойлик, чорак ва йиллик молиявий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан якуний, шунингдек банкнинг фойда ва зарарлар ҳисоботларида фоиз сиёсати соҳасидаги ўзининг назорат функциясини олиб боради.

39. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти тегишли бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш доирасида актив ва passив операциялар бўйича банк томонидан амалга оширилаётган фоиз сиёсати (актив ва passивларни, улар бўйича ҳисобланган фоизларни баланснинг тегишли ҳисобварақларида тўғри юритилиши, фоизларнинг ҳисобланиши) бўйича назорат ўрнатади.

Хусусан банкнинг жорий давр фоизли даромадлари ва харажатларини банк баланснинг тегишли ҳисобварақларида ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш юзасидан ўзининг назорат функциясини бажаради.

40. Депозитларнинг муддатлари, ҳажми ҳамда фоиз ставкаларини мувофиқлаштириш Ғазначилик департаменти томонидан таркибий тузилмалар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

41. Ички аудит департаменти ҳамда Ички назорат бошқармаси режали ва режадан ташқари текширув ҳамда амалий ёрдамлар давомида фоизли даромадлар ва харажатларга тегишли банк операциялари бўйича назорат ўрнатади.

42. Шунингдек Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари амалдаги қонунчилик ҳамда мазкур Сиёсат доирасида жойлаштирилдиган ва жалб қилинадиган пул маблағлари учун фоиз ставкаларни белгилаш бўйича назорат функциясини ўз йўналишлари бўйича амалга оширади.